

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 127 (6.964). Sotuvda erkin narxda

Иқтисодий мустақиллигимизнинг тарихий йўли

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислам Каримовнинг «Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

Китобда давлатимиз раҳбарининг бозор иқтисодиёти шароитида тараққиётнинг ўзбек модели, банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик ва қарор қабул қарашлари, қimmatли го'я, фикр ва мулохазалари, амалий ёндошувлари жамланган бўлиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, мамлакатимизнинг халқроқ иқтисодиёт тизими билан интеграциялашувига боғлиқ кўплаб муҳим ва долзарб масалалар теран таърифлаб берилган.


Китобни мурола қилар экансиз, иқтисодий мустақилликка эришиш учун халқимиз босиб ўтган машаққатли ва мураккаб тарихий тараққиёт йўли кўз олдингизда яққол намойён бўлади.

Миллий валютимизнинг муомаласига киритилиши, чет эл сармояларининг мамлакат иқтисодиётига кенг жалб этиш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар, халқроқ иқтисодий ва молия ташкилотлари билан изчил ҳамкорлик, банк, молия ва кредит тизими жаҳон талаблари даражасига кўтариш, экспортни кенгайтириш, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизда бугунги барқарор ўсишга босқичма-босқич равишда қандай замин яратилгани ушбу китобда ўзининг ҳар томонлама чуқур ифодасини топган.

Ўртбошимизнинг ўн уч жилдик асарлари ассосида тайёрланган ушбу мажмуа банк ва молия тизими ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, аспирант ва талабалар ҳамда банк-молия муносабатлари билан шуғулланган, шу соҳа бўйича фаолият юритаётган мутахассислар учун доимо иш столи устида турадиган, қўлдан қўймай фойдаланиладиган қimmatли манбадир. Шу билан бирга, маъзур китоб нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик учун ҳам муҳим назарий-амалий аҳамиятга эга.

Президент Ислам Каримов 1993 йили Олий Кенгашининг XIII сессиясида сўзлаган нутқида: «Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришиш билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимиз, молиявий аҳволини барқарорлаштириш - иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шарҳидир», - деб ўқитган эди. Ушбу китоб шу кутлуғ эзгу мақсад йўлидаги собитдан интилишни ўзида яққол мужассам этади.



(ЎЗА)



18 октябр - Самарқанд кuni

Президентимиз Ислам Каримов буюк бобокалонимиз Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги тантаналарида 18 октябрни Самарқанд кuni дея эълон қилган эди. Ҳар йили ушбу сана қадимий ва навқирон шаҳарда байрам сифатида нишонланади. Бу йил ҳам тантаналар ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд шаҳри манзаралари. Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Кўнгиш нотоза бўлса...

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 15 нафар судлашувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёни давом этмоқда.

Суднинг ҳолиси, очик ва ошқора, қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтаётгани Андижон воқеаларида доир бўлган ишлар тараққатган айрим хорижий оммавий ахборот воситаларининг, ўзларини «хуқуқ ҳимоячилари» деб атайдиган баъзи «жонқурлар»нинг «Тошкентдаги суд жараёни - ҳуқуқатомонидан уюштирилган, олдиндан саҳналаштирилган томоша», қабилдаги навабтарда даъволарини ҳам чиқпака чиқарди.

Ақсарият кўрсатма берганлар фожиасодир этилган кунлари баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан Андижон воқеалари ҳақидаги хабарларнинг асли ҳақиқатдан фарқ қилмагани, аввалдан тегишли тайёрликдан ўтгани, ҳарбий қисмларга ҳужум қилгани, ашаддий жиноятчи-

ларни қамқоқнадан озодликка чиқариб юборгани, оғир оқибатларга олиб келган бошқа қатор хунрезликларни содир этгани судда ўзининг тўла исботини топаётди.

Суднинг ўтган жума кунги мажлисида сўзлаган бир неча гувоҳ, жумладан, Андижон воқеаларидаги фаол иштироки учун қамқоққа олинган Одилжон Усмонов ўз кўрсатмаларида одамларни гаровга олишни, беғуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқчи муҳофиза қилиш органлари ходимлари жонига қасд қилишни «тинч намоийш» деб аташ бифрқла-малик, уйдирма ва воқеликни атай-лаб бузиб талқин этиш эканини таъкидлади. Андижон туманида истиқомат қилувчи Махбуба Зокирова эса рўй берган фожиалар бошида турган кимсаларнинг жиноий қилишларини хаспашлаб, уларни «қўй оғзиндан чўп олмаган» бевозор одамлар сифатида кўрсатиб, судни чалғитишга уринди.

Гувоҳ М.Зокировнинг сўзларини нотўғри дейиш учун асослар бор, албатта. Ундан олдин гувоҳлик берган О.Усмонов 13 май воқеаларига тўқна-либ: «Тонга яқин тепа маҳаллардан 10-15 аёл тушди. Улар биродарларимизнинг қариндошлари эди. Улар учун йўлда иккита машинани тўсиб, аёлларни ҳокимият олдиға

олиб бордик. Бу ерда, Бобур хайкали олдида аёллар тўпланиб турган экан. Ҳокимият биноси олдида қуролланган, менга таниш ва нотаниш бўлган 300-350 одам юрган экан», деди.

«Ақсарият» оқими азбоси сифатида шу йил май ойида ўз шериклари устидан ўтказилган суд жараёни, шунингдек, Андижон воқеалари-ни саккиз кун давомида видеотаъсирга туширган О.Усмоновнинг ушбу иккита сўзларидан, қоздан ортиқ жабрланувчи, гувоҳ ва даъвогарларнинг бу борадаги кўрсатмаларига мос келди.

М.Зокирова эса, ақинча, бир ўринда майдонда «қуролланган бир-иккита одам бор эди, уларни қоровул деб ўйладим», деган бўлса, кейинчалик «қуролланганлар йўқ ҳисобига эди, ақсарияти қуролланмаган болалар, эркаклар эди», «Ушбу қуролланган одамларда (!) қуроли борми-йўқми, билмадим, балки бўлгандир», қабилда муҳим кўрсатмалар берди.

Боз устига, қутилмаганда, гувоҳ: «Тешиктошга етганимизда, ҳеч кимда қурол йўқ эди», «Қирғизистон солдатлари бизни текширишди, ҳеч кимда қурол чикмади», деб айтиш шу ҳолатга қайта-қайта ургу бера бош-лади.

(Давоми 2-бетда)

ПАЙАРИҚ: Фермерлик хосияти

Пайариқ тумани 1996-2001 йилларда туман қоқоқлик ботқоғига ботди. Бундан оддий меҳнат аҳли - ширкат аъзолари жабр тортиди. Эртадан кечгача далада меҳнат қилишиб, рўшнолик кўришолмади. Шу туфайли уларнинг қўли ишдан совида, ҳафсаласи пир бўлди.

Туманга келган қайсидир раҳбар ўтиш даврининг ўзига хос муаммолари ана шундай ачинарли аҳволга сабаб, дея лоқайд қаради. Қайсидир раҳбар табиат қийинчиликлари-ни, уч-тўрт йил кўкламининг қурғоқчил келиши-у, сув танқислигини рўқач қилди. Туманда уч-тўрт марта ҳоким-ни ўзгартиришлар ҳам ва ҳар бир янги келган ҳокимнинг жадал сўраётларда бот-бот ҳўжалиқларнинг раисларини алмаштиришлари ҳам ҳеч қандай наф бермади.

Хуллас туман иқтисодий таназзулга ўз тутиб, аҳвол жуда ноқорлашди. Масалан, 2001 йилда туманда пахтачи-ликда режа 40 фоизга ҳам етмади. Туман бўйича хизмат кўрсатувчи, таъминоти ва тайёрловчи ташкилотлар (МТП, химиялаштириш, нефть маҳсулотлари корхоналари ҳамда бошқалардан қарадор-лик 4,5 миллиард сўмга етди.

Ана шундай пайта туман-ларнинг ҳудудий бирлиги кўрилиб, икки қоқоқ туман - Челақ ва Пайариқ бирлашти-рилди. Кишлоқ ҳўжалиғида иқтисодий ислохотларни чу-қурлаштириш юзасидан қабул

қилинган Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари қикди, ноқор-ликдан қутилишнинг йўли топилди.

Яъни, даставвал туманда-ги 8 та паст рентабелли ҳўжалик тугатилиб, фермер-лар ихтиёрига берилди. Пайариқда 1100 нафардан зиёд фермерлар фаолият кўрсата бошлади. Шу пайта-га ҳўжалиқлар гарданида қол-ган 4,5 миллиард сўм қарз-нинг 1 миллиард 100 милли-он сўмидан ҳукумат воз кеч-ди. 3,4 миллиард сўм эса ян-гидан ташкил этилган фер-мерларга юк бўлиб қолди. Шунда баъзи оғзиға кучи ет-маганлар, «Бирдангиға фер-мерчиликни йўлга қўйиб бўлмайди. Пайариқ энди яна ҳам орқаға кетади» қабилда-ги гап-сўзларни авж олдири-ди.

Тўғри, дастлабки пайтлар анча қийинчиликларга дуч кел-линди. Негаки, қўлидан кел-ган ҳам, келмаган ҳам, ҳатто деҳқончиликнинг кўчасидан ўтмаган хавасманларнинг баъзилари ҳам фермер бўлиб олишган эди-да.

Вақт - олий ҳакам. Ҳар бир хато-камчиликнинг давоси ҳам вақт. Тез орада фермер-лик бошқа, фермерликка хавас бошқа-бошқа эканлиги беш қўлдек аён бўлиб қолди. Ернинг умрини ўтказиб ёки турли алдам-қалдам ишлар-га қўл урганларнинг хурмача қилиқлари қисқа вақт ичида фош бўлди ва уларнинг фер-мерлик фаолиятига чек қўйилди. Бундай кимсалар их-тиёридаги ер ҳақиқий иш-

лайдиган фермерга қўшиб бе-рилди.

Хуллас туманда аҳвол унғлана борди. Ниҳоят, 2003 йил илк бор Пайариқ пахта-чиликда режани қийинчилик билан бўлса-да бажарди. 2001 йилда бу соҳада ҳосилдорлик 7-8 центнерда қолиб кетган бўлса, 2003 йилда бу кўрсат-кич 20,5 центнерга, 2004 йил-да 32400 тонна ўрниға 34406 тонна оқ олтин сотган туман пахтакорлари ҳосилдорлиғи 21,5 центнер ўрниға 22,9 цен-терға етказилди. 2005 йил-да эса шу кунгача 35 000 тон-надан зиёд пахта хирмонини бунёд этган пайариқлик пахта-корлар вилоятда биринчи бўлиб, бу соҳадаги режани урдаладилар. Ҳосилдорлик 22,5 центнер ўрниға ҳозирча 24 центнерға етказилди.

Шунингдек, галлачиликда ҳам салмоқли ҳосилдорларға эришилди. Қарийб 70000 тон-наға яқин галла ишлаб чиқил-либ, шундан 32 713 тоннаси давлатга сотилди. Ҳосилдор-лик ўртача 55 центнернинг таш-кил этди. 37 000 тоннадан ик-тирқоқ галла фермерлар их-тиёрида қолди. Айни вақтда 13 000 тонна помидор ети-штирилиб, «Афросиёб-мева» қўшма корхонасига сотилди.

Ана шулар ҳисоблаб қикил-са туманда бу йил жами даро-мад 20 миллиард сўмдан оши-ши, соф фойда эса 5 мил-лиард сўмни ташкил этиши, рентабеллик даражаси 28-29 фоиз атрофида бўлиши ку-тилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИЗИРИҚ: Баҳона тош босмади

Қизирқ билан Қумқўрғоннинг ораси 50 километр чикмайди. Аммо пахта топириш бўйича Қизирқ бу туман-дан 50 фоиз орқада қолди. Эътибор қилинг, туман тумандан 50 фоиз орқа-да. Қизирқ 16 октябрғача 61,30 фоизга, Қумқўрғон 110,37 фоизға етди. Ҳозир Қизирқ тумани пахта хом ашё-си тайёрлашда вилоятда энг охириги ўринда.

Айни пайтада айрим бошлиқлар, мутахас-сислар, баъзи зўраки «деҳқон»лар нуқсон-ларини инкор этмаган ҳолда, табиатнинг қу-тилмаган ноқулайликларини ҳам инобатға олиш керакдир. Келинг, яқини, мутахас-сислару деҳқонлар фикрини ўрганишға ҳара-кат қилайлик...

Қизирқ тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиғи бўлими ҳосилоти Урол Мисировнинг айт-ишича, июл ойида бўлган жуда кучли иссиқ қутилмаган қатта талофат берди. Деҳқон оғир аҳволда қолди.

Менинг аниқ далилларим бор, - дейди у. - Гидрометеорология назорат пунктидан олган маълумотларға қараганда, июл ойининг 20-санасидан август ойининг 10-санасигача ғўза ўсиб турган туپроқнинг иссиқлиғи +70, +75 даражаға етган. Дарахнинг соясида ҳаво

харорати 45 даражаға етиб борди. Шундай иссиқда офтобда турса, одам ҳам йқилади. Ғўза қайқа қочсин? Қандай бардош берсин? Қизирқда ер ости сувлари қўтарилган. На-тижада ердан кучли иссиқ буғ чиқиб, ғўза ҳар қандай тирик жонни холдан тойдирадиган қайноқ буғ ичида қолди.

Оқибатда, ғўзанинг 20-25 талаб гул, шона, етилаётган қўсақлари қорилиб, ерга тушди. Ғўзада 5-10 та энг пастки шохларидики ба-қувват қўсақларига сақлиниб қолди.

- Менимча, иккинчи сабаб, - деб давом этади Урол Мисиров, - туманда ер ости су-влари йил сайин қўтарилиб бормоқда. Вилоят мелiorация бошқармасига қарашли ҳўжалиқ-лараро коллекторлар қазилиши ёмон аҳвол-да. К-7 деган коллектор бор. Унинг ярми қўлаб, суви қўтарилиб, ҳатто асфальт йўл билан тенглашайтир айрим жойларда. Канал-нинг охири эса емирилиб, эрозияға учраб, жарлик кенгайиб, чуқурлашиб бораётди. Ер ости дренажлари эса ишдан чиккан. Деҳқон жуда оғир шароитда пахта етиштиришға ин-тиляпти. Ғўзанинг илдири чуқур кетди. У иссиқ ер ости сувиға тегиши билан холдан тоқди. Натияжада ернинг шўрланиш даражаси тобора ошапти.

(Давоми 2-бетда)

“Пахта Банк” — молиявий таянч

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиғи кенг нишонланган йилда республика кишлоқ ҳўжалиғи, Аграрно-саноат комплекси тармоқлари ходимлари, қолаверса, юртимиз барча меҳнат аҳлининг астойдил саъй-ҳаракатлари эвазига ҳозирғача 3 миллион 663 миң тоннадан зиёд улкан хирмон яратилди.

Бу шарҳнома режаси зиёдаси билан адо этилганлигини англаганди. Кейинги йиллар натижаларини ҳисобға оладиган ҳисобга, бундай меҳнат зафарига биринчи марта ва қисқа муд-датларда эришилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу меҳнат муваффақиятиға Қорақалпоғистон Республика-си, Бухоро, Хоразм, Қашқадарь, Навоий, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Ан-дарл пахтакор-хисса қўшилди. Кейинги йил-ларда пахтанинг яратилганлиғи, замонавий технологиялар изчиллик билан жо-рий этилаётганлиғи ва йғим-теримда сифат масаласига эъти-бор қунайтирилганлиғи туфайли хошаёнинг тўқсон фоизға яқини юқори навларға топирилиди. Бу тармоқдан қурила-диган фойда микдорини сезиларли даражада ошириш им-конини беради. 2005 йили пахтачиликнинг рентабеллик даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Октябр ойининг ўрталарида мамлакат бўйича пахта тайёр-лаш шарҳнома режасининг ошириб адо этилиши Президент-имиз раҳбарлиғида амалға оширилаётган иқтисодий сиё-сатда аграр соҳаға эътибор қунайтирилиб, олиб борилаётган ислохотларнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Меҳнатта бўлган муносабат ўзгариб, моддий манфа-атдорлик тўғриси ва мулкка соҳиблик ҳисси қунайганлиғи кейинги пайтада кишлоқ ҳўжалиғида эришилаётган муваффа-қиятларнинг негизини ташкил этаётпти.

(Давоми 3-бетда)

МАВСУМ

Бу йил Андижон вилояти пахтакорлари бутун куч ва имкониятларини ҳосилининг сифати-ни оширишға қаратди-лар. Бу ҳаракатлар бе-сарф кетмади.

Давлат оморборлиғига 310 миң тоннадан зиёд ҳосил то-пирилган бўлса, унинг қарийб 96 фоизни юқори нави таш-

уруғ тушмасдан турибқоқ айни шу масала кун тартибига қўйилди. Айниқса пахта йғим-терими чоғида бирор бир далада шовша-шошар-ликка асло йўл қийлмади. Бу эса ҳосилнинг тўла етилиб, сифатли бўлишини таъмин-лади.

Бу йил сифатли ҳосил яра-тиш йўлида шу қадар қаттиқ уруғ тушмасдан турибқоқ айни шу масала кун тартибига қўйилди. Айниқса пахта йғим-терими чоғида бирор бир далада шовша-шошар-ликка асло йўл қийлмади. Бу эса ҳосилнинг тўла етилиб, сифатли бўлишини таъмин-лади.

(Давоми 2-бетда)

“Йодланган туз” да... йод танқислиғи

Бухоро вилоят ҳокимлиғи ташаббуси билан амалға оширилаётган мактаблар кунли тадбири жараёнида Жондор тумани билим даргоҳларида тахсил олаётган ўқувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокорлар уларнинг 18 фоизни буюқ ҳасталиғига чалинганлиғи қайд этилди.

Вилоятдаги болалар ўртасида бундай ҳоллар қўпаяётган-ини шифокорлар хавотир билан тилға олишади.

«Бизнинг ҳудудимизда ҳам буюқ ҳамда камқонлик каса-лиға чалинган болалар ва аёллар бор, - дейди Вобкент туман-идаги Чўриқалон кишлоқ ҳақимлик маскани бош ҳақими Д.Қодирова. - бий маданияти-юзасидан ту-викот ишлари-ялмиз. Фўқароларға дуч келган жойдан, аниқламай туриб туз харид қилмасликлар зарурлиғини ўқитялғимиз.

«Уш, буюқ ўзи қандай касалиқ? Бу хасталиқ тўғрисида нечоғли тушунчаға эгамиз? - Бу организмда йод элементи етишмовчиликдан пайдо бўлади, - дейди вилоят эндокринология диспансери бош ҳақими, тиббиёт фанлари номзоди У.Шеров.

(Давоми 4-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ Сизнинг оилангиз банки

МУЛОҲАЗА

Мамлакатимиз Президенти ўз маърузаларида миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни тиклаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиғи ҳақида ҳамма таъкид-лаб келди.

Бу бежиз эмас. Шўбу мақоламизда бугун

ларни бўйича эса дарс ўти-ламади (ёки фақат доирадан сабоқ берилади), хореограф-лар малакаси ҳам талаб да-ражасида эмас. Коллеж ва институт битирувчилари ўз маҳоратларини тўй-томоша-лардагина намоийш этишади. Шаҳар ва вилоят микёсидаги байрам тадбирлариға эса «Фар-ход» маданият саройининг

Миллий мусиқаға эътибор кучайса...

миллий мусиқа маданияти, ўзбек халқ чоғлу асбоблари ва уларнинг замонавий санъ-атда ўрни борасидаги муам-молар ҳусусида бир вилоят доирасида мухтасар фикр юритмоқчимиз.

Навоий шаҳрида маданият ва санъат коллежи ҳамда му-сика кафедрасиға эга бўлган педагогика институти мав-жуд. Ажабланирлиқ улар воқал чоғлу асбоблари бўй-ича мутахассисға эга бўлмаган ҳолда воқалчилик тайёрла-дилар, миллий чоғлу асбо-

(Давоми 4-бетда)

